

Хусанов Н.Х., Саъдинов Х.П., Шоназаров А.

МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ БЎЙИЧА

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Самарқанд – 2011 йил

Тузувчилар: Хусанов Н.Х. -СамИСИ доценти,
Саъдинов Х.П.-СамИСИ доценти.
Шоназаров А. - СамИСИ ўқитувчиси

Такризчилар: Суюнов С.Х. – СамИСИ доценти

Мазкур қўлланма ва дастур **В5140900**
“Касбий таълим”(ижтимоий-иқтисодий соҳа)
йўналиши таълим стандартлари асосида ишлаб
чиқилган бўлиб, малакавий амалиёт мазмунига
қўйилган талабларга жавоб беради ва услубий
қўлланма сифатида амалиётни ташкил этиш ва
ўтказиш тартибини белгилайди.

Ушбу қўлланмада малакавий амалиётнинг
мақсад ва мазмуни, ташкил этиш услублари ва
аҳамияти ифода этилган.

“Касб-хунар таълими” кафедрасида муҳока-
ма этилди ва тасдиқлаш учун тавсия этилди.

2011 йил «_____»_____
№_____сонли баённома.

Институт ўқув-услубий кенгашида
кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

2011 й. «_____»_____
№_____сонли баённома.

ИЎУК раиси, доцент А.Бектемиров_____

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлиги

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти

“КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ” кафедраси

5140900 “Касбий таълим” (ижтимоий-
иқтисодий соҳа) йўналиши бўйича

*МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ УЧУН
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА ВА ДАСТУР*

Самарқанд – **2011** йил

I УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Булғуси иқтисодчи-педагогларни (касбий таълим соҳаси) тайёрлаш соҳасида малакавий амалиёт муҳим ўрин тутди. Малакавий амалиёт иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторлари, мулкчиликнинг турли шаклларидаги ташкилот ва муассасаларнинг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ ўтказилиши кўзда тутилган. "Касбий таълим" мутахассислиги талабалари учун эса ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув юртлари малакавий амалиётнинг базаси бўлиб хизмат қилади. Малакавий амалиёт давлат таълим стандартлари ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёт ҳақидаги Низом"га асосан ташкил этилади.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да
“Ишлаб чиқариш амалиётини ўтиш учун таълим
олувчиларни иш жойлари биан таъминлаш”
долзарб вазифалар қаторида белгиланган.
“Олий таълим муассасаларида давлат таълим
стандартларига мос юқори малакали
ўқитувчилар тайёрлаш бўйича махсус
факултетлар ташкил этилади” деб кадрлар
тайёрлаш миллий дастурида кўрсатилган.
“Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини тадбиқ
этишнинг мураккаб томони махсус билим
юртларида дарс беришга яроқли

Тақсимоти графиги

[illegible]

Амалиёт даврида талаба вақтининг

Кўриладиган масалаёки мавзу	Ҳафта кунлари											
	1-ҳафта						2-ҳафта					
	Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Шанба	Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Шанба
Амалиётга жойлаштириш ташкилот билан умумий танишув												
Ташкилотнинг фаолият турини ўрганиш, таъсис ҳужжатларини кўриб чиқиш												
Ташкилотнинг моддий техник базасини ўрганиб чиқиш												
Ташкилотнинг бошқарув тизими билан танишиш												
Ташкилотнинг ҳўжалик фаолияти натижалари билан танишиш												
Ташкилотнинг ички мухитини ўрганиш												
Ташкилотнинг ҳўжалик алоқаларини ўрганиш												
Маълумотларни қайта ишлаш ва ҳисобот ёзиш												
Амалиёт натижаларини муҳокама қилиш												

ўқитувчиларни тайёрлаш масаласидир. Мавжуд мактаблар, билим юртлари ўқитувчилари шу ишга тайёр эмаслиги равшан.

Шунинг учун барча педагогика институтлари ва университетларда **3** йиллик билим юртлари учун ўқитувчиларни тайёрлайдиган махсус факултетларни ташкил этиш лозимлигини мамлакатимиз Президенти И.Каримов “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” асарида асослаб берилди. Шуасосда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида ҳам “Касбий таълим” (ижтимоий-иқтисодий соҳа) йўналиши бўйича олий маълумотли иқтисодчи-педагогларни тайёрлаш амалга оширилмоқда.

II МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ.

Олий ўқув юртидаги малакавий амалиёт талабанинг назарий таълим ва унинг келгусида ўрта махсус , касб-ҳунар таълими соҳасидаги мустақил ишлаши орасида боғловчи восита бўлиб хизмат қилади. Малакавий амалиёт талабани иқтисодчи-педагог сифатидаги фаолиятга тайёрлашга, уни комплек кўникма ва малакалар билан қуроллантиришга, барча ўқув-тарбиявий ва жамат ишларини ижодий амалга оширишга қаратилган.

Талаба малакавий амалиётга чиқиш олдидан дастур ва услубий қўлланмани олади, қилинадиган ишлар мазмуни билан танишади, тавсия этилган адабиёт ва қўлланмаларни ўрганиб чиқади, ҳамда тегишли маслаҳатларни олади. Малакавий амалиёт олий таълим тизимида муҳим восита ҳисоблангани ҳолда таълимий характерни касб этиши лозим. Малакавий амалиёт талабаларнинг назарий тайёргарлигини тўлдиради ва бойитади, олган билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга, амалий вазифаларни ҳал қилиш учун ўрганилаётган фаннинг назарий қоидаларидан фойдаланишга имкон яратади. Амалиёт давомида талабаларда асосий профессионал кўникма ва малакаларнинг шаклланиш жараёни кечади. Булғуси иқтисодчи-педагог ўқув-тарбия жараёнининг турли томонларини кузатади ва анализ қилади, дарс беришни ўрганади. Талабалар билан коллеждан ташқари мустақил машғулотлар ўтказади ва тарбиявий иш олиб боради. Малакавий амалиёт талабага педагогик фаолиятни эгаллашда катта ёрдам беради.

Амалиётни яна бир вазифаси унинг тарбияловчи характеридир. Малакавий амалиёт талабаларни ижтимоий ишлаб чиқаришдаги меҳнатга тайёрлашдек олижаноб ишни амалга оширишга, ўз ҳаётини бағишлашга тайёрлиги

ва диплом ишини ёзиш бўйича тажриба алмашиш.

9. Амалиётнинг охирида талаба амалиёт мобайнида қилинган ишлари тўғрисида ёзма ҳисобот ёзиб раҳбарга, кафедрага топширади; унда талаба амалиёт жараёнида қандай кўникма ва малакаларга эга бўлганлиги, амалиёт тўғрисида умумий хулосалар бериши, талабани педагог бўлиб етишишида амалиётнинг аҳамияти ҳақида ҳамда амалиётнинг мазмуни ва ташкил қилинишини такомиллаштиришга доир таклифлар баён этиши шарт.

“Касб-ҳунар таълими”

кафедрасининг доценти Н.Хусанов тузган.

- услубларини ўрганиш, дарсларни анализ қилиш;
 - ҳар бир дарсни мустақил ўтказиш. Мавзуси ва ўтказиш муддатини белгилаш, ҳар бир талаба камида 5 марта мустақил дарс ўтиши шарт.
4. Фан бўйича синфдан ташқари ишлар:
- синфдан ташқари ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш;
 - синфдан ташқари тадбирларни мустақил ўтказиш: саёҳатлар ва тўғарак машғулотларини уштириш;
 - кабинетда ишлаш (кўргазмалар қуроллар) тайёрлаш;
 - фанларни яхш ўзлаштирмаган ўқувчилар билан қўшимча машғулотлар ўтказиш; ўқувчилар давоматини назорат қилиш; мустақил ишлашга ўргатиш.
5. Ўқувчилар билан синф раҳбари сифатида тарбиявий иш олиб бориш.
6. Ота-оналар билан ишлаш; 2-3 та ўқувчиларни уйига бориб дарс тайёрлаш шароити билан танишиш, коллеж пед.совет йиғилишида сўзга чиқиб ўз фикр-мулоҳазасини айтиш.
7. Коллеждаги ўқув-услубий ва тадқиқот ишларида қатнашиш; (методик кенгашларда, талабаларнинг фанлар бўйича тўғаракларида иштирок этиш.
8. Амалиёт даврида диплом иши темасига доир ахборотлар, материаллар тўплаш

тўғрисида бўлғуси иқтисодчи-педагог учун берилган жиддий синов бўлиб ҳисобланади.

Олий ўқув юртида ташкил қилинадиган ўқув ишлари орасида иқтисодчи-педагог шахсини таркиб топтириш жараёнига энг кўп таъсир ўтказиладиган усуллардан бири малакавий амалиётдир. Айнан амалиёт ўтиш жараёнида олий ўқув юртининг тарбиявий таъсирига коллеж педагоглар жамоасининг таъсири қилиб қўшилади. Булғуси ўқитувчининг профессионал-педагогик фазилатларини шакллантиришга амалиёт даврдаги ўз-ўзини тарбиялаш жараёнини кучайтириш ҳам актив кўмаклашади. Бу эса ўз навбатида тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Малакавий амалиёт ўтказиши давомида талабалар қуйидаги вазифаларни амалга ошириши кўзда тутилади:

- малакавий амалиёт объекти (база) билан танишиш;
- ташкилот, корхона ва таълим муассасаларининг фаолиятига алоқадор бўлган ташқи муҳит омилларини таҳлил этиш;
- корхона ва ташкилотларнинг хўжалик-молиявий кўрсаткичларини иқтисодий таҳлил қилишнинг янгича услублари ва уни амалиётда тадбиқ этиш ҳолати билан танишиш;
- таълимни корхонадаги унумли меҳнат билан, шу жумладан ишлаб чиқариш амалиёти жараёнидаги меҳнат билан қўшиб олиб бориш;

- таълим оловчиларни меҳнат жамоаларида тарбиялаш (меҳнат, маънавий ва жисмоний тарбиялаш);

- иқтисодчи-педагог кадрларнинг илғор технологиялар соҳасидаги малакасини бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам ошириб бориш;

- амалий ишда институтда олган назарий билимларини қўллай олишдан;

- коллеж билан ўқитувчиларнинг ҳамда кураторларни ишлари билан танишиш;

- таълимни турли-туман методларидан фойдаланиб турли усулдаги дарсларни тайёрлаш ва ўтказиш;

- таълимда қўлланиладиган жами ҳисобот шакллари, тегишли буйруқлар, инструктор хужжатлар, методик қўлланмалар билан танишадилар.

III МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Малакавий амалиёт институт билан ташкилотлар ўртасида тузилган икки томонлама келишув шартномаси асосида ва

Малакавий амалиёт даври учун талабалар индивидуал (якка) иш режасининг С Х Е М А С И

Ишнинг асосий йўналишлари	Талаба ўтказадиган тадбирлар	Тадбирларнинг ўтказишнинг календар муддати	Тадбирларнинг бажарилганлиги тўғрисидаги белгилар
---------------------------	------------------------------	--	---

Ишнинг асосий йўналишлари

1. Амалиётнинг биринчи ҳафтасида талабалар ва синфни жамоасини ўрганиш;
- ўқувчиларнинг шахсий делолари ва синф журналинини ўрганиш;

2. Бажариладиган ишларни режалаштириш:
- фан ўқитувчисининг иш режасини ўрганиш;
- синф раҳбарининг иш режасини ўрганиш;
- “Камолот” ЁИХнинг иш режаси билан танишиш;
- Амалиётнинг бутун даврига мўлжалланган ўз ўқув-тарбиявий ишини режалаштириш.

3. Ўқув ишлари:
Фан ўқитувчиларининг дарслари кириб ўтириш, улардан дарс ўтиш

2-илова

Амалиёт раҳбари: _____

(фамилияси ва имзоси)

Сервис ва туризм факултети
_____ гуруҳи талабаси

_____ нинг

К У Н Д А Л И Г И

Сана	Амалиёт ўтказиш объекти	Бажарилган ишларнинг қисқача мазмуни	Ишнинг бажарилганлиги бўйича амалиёт раҳбарининг белгиси

малакавий амалиёт Низомига мувофиқ ташкил этилади.

Талабалар амалиётига умумий раҳбарлик институт ўқув бўлими зиммасида бўлади. Амалиётни ташкил этиш ва амалга оширишга факултет декани раҳбарлик қилади, амалиётни методик таъминлаш ўқув режага мувофиқ кафедра зиммасига юклатилади.

Ушбу дастур ва ўқув режага мувофиқ факултет декани:

- малакавий амалиётини ташкил этади ва ўтказилишини назорат қилади;

- амалиётни ўтказиш бўйича дастур ва тегишли услубий таъминлаш ишларини ўз вақтида бажарилишини кузатиб боради, услубий ва бошқа меъёрий ҳужжатларни кенгашда тасдиқлайди ва институт раҳбариятига тасдиқлаш учун тақдим этади.

Кафедрадан амалиётга раҳбар тайинланиши талабаларни амалиёт объектларига тақсимланишини ва корхона-ташкилотларга буюртмалар беришни кафедра билан бирга ташкил этади.

Талабалар ва амалиёт раҳбарларининг ўз вақтида объектларга етию боришини таъминлайди.

Кафедраларда ўтказилган амалиёт юзасидан ҳисоботлар умумлаштирилиб ўқув ишлари масалалари ҳисоботида акс эттиради.

IV КАФЕДРАДАН ТАЙИНЛАНГАН АМАЛИЁТ РАҲБАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

1-илова

Амалиёт ўтиш ташкилотларига амалиёт бошланишидан олдин боради ва талабаларнинг ташкилотга бориш графикларини раҳбарият билан келишади.

Талабаларнинг амалиёт ўташ тартиби бўйича тақдимнома тайёрлайди.

Талабаларни йўлланма билан таъминлайди ва услубий кўрсатмалар билан таъминлайди ва амалиёт бошланишидан олдин тегишли йўриқномалар беради.

Талабаларни ташкилотларга олиб боради ва ташкилотнинг масъул шахси билан таништиради.

Талабалар томонидан ўқув малакавий амалиёт дастурининг бажарилишига раҳбарлик ёзилади.

Талабаларнинг амалиёт давридаги интизомли ва ички меҳнат қоидаларига риоя қилинишини назорат қилади.

Талабаларнинг ҳисоботларини кўриб чиқади ва ҳимочга тавсиянома беради.

Амалиёт якунлари бўйича илмий-амалий анжуман ёки бошқа шаклдаги ҳимояни ташкил қилади ва комиссия аъзоси сифатида иштирок этади.

Курс _____ гуруҳи
_____ талабаси

_____нинг
(фамилияси, исми, шарифи)
_____даги

Амалиёт тақвим режаси

Кун, ой	Иш жойи	Бевосита раҳбар (вазифаси, фамилияси)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“Сервис ва туризм” факултети

“Касб ҳунар таълими” кафедраси
В 514900 “Касбий таълим” йўналиши

_____курс _____гуруҳ талабаси

(талабанинг фамилия, исми ва шарифи)

Малакавий амалиёт бўйича
Ҳ И С О Б О Т И

(амалиёт базасининг номи)

Институтдан амалиёт раҳбари

(Ф.И.Ш.)

Коллеждан амалиёт раҳбари

(Ф.И.Ш.)

Самарқанд – 2011 йил

**V КОРХОНАДАН ТАЙИНЛАНГАН АМАЛИЁТ РАҲБАРИНИНГ
ВАЗИФАЛАРИ**

Корхона ва ташкилот ҳамда коллеж раҳбарининг буйруғи билан юқори малакали мутахассислардан малакавий амалиёт раҳбарлари тайинланади. Уларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

5.1. Амалиёт ўтаётган талабаларни корхонага расмийлаштиришга бевосита ёрдам кўрсатиш;

5.1. Талабалар билан биргаликда амалиёт ўташнинг календар иш режасини тузиб чиқиш ва унга риоя қилиш ҳамда амалиёт кундалигини белгиланган тартибда тўлдириб боришини назорат қилиш;

5.3. Амалиёт дастурининг бажарилиши бўйича зарурий маслаҳатлар бериш;

5.4. Амалиёт ўтаётган талабаларни зарур бўлган маълумотлар билан таъминлаш, уларни танлаш ва йиғишга ёрдам бериш;

5.5. Амалиёт ўтаётган талабаларнинг меҳнат интизомига риоя қилишларини назорат қилиш;

5.6. Талаба томонидан меҳнат интизоми, ички тартиб-қоидалари, жамоат тартибини бузган ҳоллари ҳақида деканатга хабар бериш;

5.7. Амалиёт якунланганидан кейин ҳисоботни текшириб. Ёзма тақриз тавсифнома бериш.

**VI АБАЛАРНИНГ АМАЛИЁТ ЎТИШ ДАВРИДАГИ
МАЖБУРИЯТЛАРИ**

Талаба амалиёт ўтиш даврида:

6.1. Амалиёт объектига белгиланган вақтда келади;

6.2. Ташкилотнинг ички тартиб қоидаларига риоя қилади;

6.3. Кундалик дафтарни юритади ва бажарилган кузатувлар натижаларини мунтазам равишда ёзиб боради;

6.4. Амалиёт дастурида белгиланган топшириқларни бажаради ва ҳисоботнинг мазмуни бўйича маълумот тўплайди;

6.5. Ёзма ҳисоботни дастурда келтирилган талабларга жавоб берадиган ҳолда расмийлаштиради ва ҳимоя қилади.

VII МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ БЎЙИЧА ҲИСОБОТНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ҲИМОЯНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Малакавий амалиёт натижалари бўйича талаба ёзма ҳисобот тайёрлаши шарт. Ҳисоботда қуйидагиларни акс эттириш мақсадга мувофиқ:

7.1. Ташкилотнинг номи, ҳуқуқий мақоми, манзили ва бошқа асосий реквизитлари;

7.2. Ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, Низом бўйича мақсади, вазифалари ва фаолият турлари.

Ҳисобот А4 формадаги оқ варақнинг бир томонига қўлёзма шаклида расмийлаштирилади

оладилар. Бу амалиёт илгари эгаллаб олган профессионал педагогик билим ва кўникмаларни умумлаштиришга ёрдам беради.

Амалиёт жараёнида битирувчилар методик ва тадқиқот ишларида актив қатнашадилар. Ўқув режасига асосан “Иқтисодчи-педагог” мутахассисликларини 4-курс талабалари диплом олди, амалиётни ўтайилар ва диплом иш бажарадилар. Амалиёт мобайнида талаба диплом иши учун ахборотлар, материаллар тўплаш ва таҳлил этишни амалга оширади.

Амалиёт даврида талаба мустақил равишда аудиторияда камида 5 марта дарс ўтиши шарт. Ўтказилган дарсларга иштирок этган ўқитувчилар томонидан тақриз ёзилиши ва бу тақризнинг бир нусхаси талабанинг ҳисоботига тикилиши лозим.

тартиби эса – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг ўқув режасига ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёт ҳақидаги Низоми”га асосан белгиланади. Мазкур дастур айрим мутахассислигининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда конкретлаштирилиши мумкин. Малакавий амалиётни институтда таълим олаётган “Касбий таълим” йўналишидаги барча талабалар ўтказадилар. Амалиёт даврида талаба ўқув-тарбиявий муассасасининг моддий – техника базаси, педагогик коллективи, педагогик ҳужжатлар билан танишадилар, ёшларни психологик-педагогик жиҳатдан ўрганадилар. Педагогик кундалик юритадилар. Битирув курси талабаларининг амалиёти студентларни олий ўқув юртида профессионал тайёрлашнинг яқунловчи босқичи ҳисобланади. Мазкур амалиёт илгариги амалиётлардан фарқ қилиб, талабаларнинг юксак даражадаги мустақиллиги ва масъулиятли бўлиши, улар бажарадиган иш ҳажмининг кенг ва мазмунини анча мураккаб бўлиши билан характерланади. Бу амалиёт жараёнида талабалар фан ўқитувчичи ва гуруҳ раҳбарининг ўқув-тарбиявий фаолияти системасини эгаллаб

ва **25-30** бетдан иборат бўлади. Ташкилот ҳужжатларининг нусхалари ҳисобот охирида илова қилинади.

Талаба ҳисоботни ёритишда юқорида келтирилган амалиёт дастури асосида корхона фаолиятининг ҳар бир жиҳатига ўзининг назарий ва амалиё кўникмаларига таянган ҳолда мустақил фикрлари асосида хулоса қилишлиги ҳисоботнинг юқори даражада бажарилганлигини эътироф этади.

Ҳисобот билан бирга амалиёт давомида талабанинг дастурда белгиланган вазифаларини бажариши юзасидан ҳар куни олиб борган ишлар қисқача баён этилган кундалик ҳам кафедрага тақдим этилиши белгиланган. Тақвим режада белгиланган вазифалар кундаликда баён этилган ишлар билан мос келишлиги шарт.

Корхонадан белгиланган амалиёт раҳбари томонидан кундаликда амалиётчи талабага тавсифнома ёзилиши белгиланган ва у корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

Кафедрага тақдим этилган ҳисоботлар юзасидан талабалар ҳимояси ўқув режада кўрсатилган санада “Касб-хунар таълими” кафедрасида ташкил этилган комиссия томонидан қабул қилинади. Ҳисоботларни ўз вақтида топширмаган ва ҳимояда иштирок этмаган талабалар комиссия томонидан қайд этилади ва раҳбариятга далолатнома тақдим этади.

VIII МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ ДАСТУРИ

“Касбий таълим” (ижтимоий-иқтисодий соҳа) йўналиши бўйича иқтисодчи-педагогларни тайёрлаш системасида малакавий амалиётга муҳим ўрин ажратилган. У булғуси ўқитувчиларни назарий таълими ва уларнинг ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртларидаги мустақил ишлари орасида боғловчи восита ҳисобланади, талабаларни педагогик фаолиятининг дастлабки тажрибалари билан қуроллантиради. Ижтимоий – иқтисодий йўналганлик, назарий асосланганлик, таълими ва тарбияловчанлик характери, унинг мазмуни ва ташкил қилинишига комплекс тарзда ёндашиш, системали ҳамда кетма-кетлик малакавий амалиёт самарадорлигининг асосий шартларидандир.

Малакавий амалиётнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Талабаларни олий ўқув юртида олган назарий билимларини чуқурлаштириш. Мустаҳкамлаш ва педагогик вазифаларни ҳал қилишда уларни қўллаш;
2. Булғуси ўқитувчиларда педагогик кўникма ва малакаларни ҳамда ҳар томонлама шаклланган баркамол шахс фазилатларини таркиб топтириш ва ривожлантириш.

3. Талабаларда педагогик касбига қизиқишларини ўстириш.

Талабалр малакавий амалиёти жараёнида қуйидаги кўникмаларни эгаллайдилар:

- талабаларнинг ривожланиши ва тарбияланишини диагностика қилиш (шахс иқтидори ва қобилиятлари ва ўқувчилар жамоасини ўрганиш);

- педагогик фаолиятини истиқбол ва жорий режалаштиришни амалга ошириш;

- талабаларнинг ўқув-билим фаолиятига раҳбарлик қилишда турли усуллардан, методлардан, воситалардан фойдаланиш;

- Талабалар билан тарбиявий иш олиб бориш ва бу жараёни уларни ўз-ўзини тарбиялашга қаратиш;

- Педагогик тажрибани анализ қилиш ва умумлаштириш, тажриба-экспериментал ишларни ташкил этиш;

- Ота-оналар ва аҳоли ўртасида оммавий сиёсий ва ижтимоий –иқтисодий ишларни олиб бориш.

Малакавий амалиёт касбий таълим мутахассисликлари талабалари институтда ўқиган бутун ўқув даврида олиб борилади. Унинг системасига танишув ўқув-тарбиявий ҳамда дипломолди амалиёти киради малакавий амалиётнинг мазмуни мазкур дастурга асосан. Унинг муддати ва ўтказиш